

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/05.06.2020.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АСКАРОВА ЗЕБО ЗАФАРЖОНОВНА

**АНОМАЛ ҚОН КЕТИШИ БЎЛГАН ПЕРИМЕНОПАУЗА
ДАВРИДАГИ АЁЛЛАРНИ ОЛИБ БОРИШНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of abstract of dissertation for the Doctor of Philosophy (PhD)

Аскарова Зебо Зафаржонова

Аномал қон кетиши бўлган перименопауза давридаги
аёлларни олиб боришни оптималлаштириш..... 3

Аскарова Зебо Зафаржонова

Оптимизация ведения женщин с аномальными
маточными кровотечениями в период перименопаузы..... 25

Askarova Zebo Zafarjonovna

Optimize the management of perimenopausal
women with abnormal uterine bleeding..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/05.06.2020.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АСКАРОВА ЗЕБО ЗАФАРЖОНОВНА

**АНОМАЛ ҚОН КЕТИШИ БЎЛГАН ПЕРИМЕНОПАУЗА
ДАВРИДАГИ АЁЛЛАРНИ ОЛИБ БОРИШНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Tib1114 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Алиева Дилфуза Абдуллаевна**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Ешимбетова Гулсара Закировна**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Катгаходжава Махмуда Хамдамовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи муассаса: **Бухоро давлат тиббиёт институти**

Диссертация химояси Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги PhD.04/05.06.2020.Tib.114.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ да соат ____ да мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100124, Тошкент ш., Мирзо-Улугбек кўчаси, 132-а уй. Тел.:(+99871) 263-78-33; факс: (+99371) 263-84-83; e-mail: info@uzaig.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100124, Тошкент ш., Мирзо-Улугбек кўчаси, 132-а уй. Тел.: (+99871) 263-78-33; факс: (+99371) 263-84-83.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

У.Ю.Юсупов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори

М.М. Файзырахманова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, биологик фанлари номзоди

Ф.М.Аюпова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати. Сўнгги йилларда дунё мамлакатларининг барчасида аёллар орасида перименопауза ёшида бачадондан аномал қон кетишлари (БАҚК) тобора ортиб бормоқда. Касалликни кечиши, аёллар ҳаёт сифатининг пасайиши ва ўлим ҳолатининг ортиши билан фарқланади. Халқаро акушер гинекологлар федерацияси (FIGO) маълумотларига кўра, «...перименопауза ёшида бачадондан аномал қон кетишлар гинекологик касалликлар орасида 70 фоизни ташкил қилмоқда»¹. Аёлларда перименопауза ёшида бачадондан аномал қон кетишлари ҳолатлари ва аёллар ўлимининг юқорилиги ўз навбатида, аномал қон кетишдан азият чеккан аёллар ҳаёт сифатини оширишга замонавий ёндашувлар ва олиб бориш оптималлаштирилган алгоритмларини ишлаб чиқишга талаб ортиб бормоқда. Бугунги кунда бачадондан аномал қон кетишидан азият чеккан перименопауза ёшдаги аёлларда қондаги баъзи молекуляр-генетик детерминантларнинг ахамияти ўзаро патогенетик боғлиқлигини чуқур таҳлил қилиш орқали касалликни даволаш бирламчи аҳамиятга эгадир.

Жаҳон миқёсида перименопауза даврида бачадондан аномал қон кетишини олдини олиш, уни эрта босқичда ташхислаш ва даволаш чоратадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада перименопауза даврида аёлларда бачадондан аномал қон кетиши келиб чиқиши ва ривожланиш хавфи омилларини аниқлаш, касалликнинг молекуляр-генетик омилларини аниқлаш, унинг аҳамиятли генотиплари ва номзод генлар аллел вариантларининг фенотипик кўринишлари билан ассоциациясини аниқлаш, касалликни прогнозлашда генлар полиморфизми аҳамиятини аниқлаш, клиник-морфогенетик тадқиқотлар асосида перименопауза даврида бачадондан аномал қон кетиши бўлган аёлларни олиб бориш алгоритминини ишлаб чиқиш, аёллар ўлим кўрсаткичларини камайтириш ҳамда керакли профилактик тадбирларини белгилаш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилаш, жумладан репродуктив ёшдаги аёлларда учрайдиган касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларида «...оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматга эришишини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, болалар ўлимини

¹С.О. Дубровина, Л.В. Киревнина, М.Н. Лесной Аномальное маточное кровотечение: причины, диагностика и лечение Акушерство и Гинекология №1 / 2021. doi: <https://dx.doi.org/10.18565/aig.2021.1.170-177>

камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш»² каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда, перименопауза даврида аёлларда бачадондан аномал қон кетиши хавфини эрта ташхислаш ва даволашга янги ёндошувлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ–6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ–4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ–4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон миқёсида ҳозирга қадар олиб борилган илмий-тадқиқотлардан олинган натижалар шуни кўрсатдики, перименопауза даврида аёлларда ҳайз кўришнинг бузилишлари орасида энг кўп учрайдиган шаклларида бири, перименопауза даврда бачадондан аномал қон кетиши бўлиб касалхонага ётқизилган аёлларда 10 дан 35 фоизгача ҳолатларда БАҚК перименопаузал даврга тўғри келади (Ашрафян Л.А., Антонова И.Б., Ивашина С.В., 2019; Gull B., Carlsson S., 2018; Ragupathy K., Cawley N., Ridout A., 2018). Замонавий қарашларга кўра, аномал бачадон қон кетиши гипоталамус-гипофиз-тухумдон тизимидаги функционал бузилишлар натижасида юзага келади, уларнинг асосида тухумдонлар гормонлари ритмик секрециясининг бузилиши ётади (Сухих Г.Т., Адамян Л.В., 2019; Доброхотова Ю.И., Сапрыкина Л.В., 2018; Singh S., Best C. 2018).

Аҳоли орасида ёш билан боғлиқ ўзгаришлар орасида ўтиш ёшидаги аёллар касалликлари алоҳида ўрин тутаяди, шу билан бирга, ушбу даврнинг асосий муаммоларидан бири перименопауза даврида бачадондан аномал қон кетишлар, олегоменорея, менорагия, метрорагия ёки полименорея гипоталамусда жойлашган безларнинг фаоллигини бузилиши натижасида бачадон миометрий қавати билан контактлилиги пасайишида юзага келади (Султонова Д.А., 2018). Даволаш усулларининг такомиллаштирилганига қарамай, сўнгги йилларда эндометрий гиперплазияси билан касалланиш кўпаймоқда. Буни моддалар алмашинуви бузилган аёллар сонининг ортиши,

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // www.lex.uz.

сурункали соматик касалликлар, иммунитетнинг пасайиши, шунингдек, номақбул экология билан боғлайдилар (Horvath В.,2018). Соҳа мутахассислари томонидан сўнгги ўн йилликларда молекуляр биология, ген инженериясининг ривожланиши билан одам организмининг физиологик ва патологик жараёнларида иштирок этувчи генлар экспрессиясини бошқариш механизмларини ўрганишда сезиларли ривожланишга эришилди (Алиева Д.А., 2020; Аюпова Ф.М.,2018).

Сўнгги йилларда бачадондан аномал қон кетишининг ривожланиши организмда TP53 ва MMP9 генлари полиморфизмининг аллел ва генотипик вариантларининг учраши туфайли содир бўлиши исботланган (Herman M.C., Mak N., Geomini P.M., 2019). Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, бачадондан аномал қон кетишига сабаб молекуляр- генетик маркерлар ва гипоталамо-гипофезар-тухумдон тизимидан ажраладиган гормонлар функциясининг бузилишидир (Аюпова Ф.М., 2017; Мавлонова Г.Ш.,2021). Бачадондан аномал қон кетишида молекуляр-генетик маркерлар TP53, PAI, MTHFR, GSTP1, MMP9 эндометрий саратони ривожланиш хавфи, эндометрий гиперплазиясининг турли типдаги морфофункционал хусусиятлари, шунингдек ўсма супрессор генларининг инактивациясига, пролиферацияга, ангиогенезига, апаптоз пасайишига олиб келувчи эпигенетик ва генетик бузилишлар аниқлаб беради (Bofill R.M., Lethaby A., Low C., 2019; Саидова Р. А2018).

Мамлакатимизда бачадондан аномал қон кетишининг клиник белгилари, текширув усуллари ва даволашга бағишланган қатор тадқиқотлар амалга оширилган (Мавлонова Г.Ш., 2021; Ашурова С.А., 2019). Шунингдек, ёш олимларнинг тадқиқотларида перименопауза ёшдаги аёллар саломатлигига эътибор қаратилиб, уларга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган юксак эътибор натижаси тиббий ва ижтимоий жиҳатдан таҳлил этилган. Шу билан бирга кузатувлар Самарқанд вилояти ҳудудида перименопауза ёшдаги аёллар орасида бачадондан аномал қон кетиши унинг учраши ҳамда самарали ва иқтисодий қулай ташхислаш усуллари такомиллаштирилмаганлигидан далолат бермоқда. Бу эса ушбу йўналишдаги тадқиқотларни амалга ошириш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эгаллигини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01980006703 «Замонавий диагностика, даволаш ва профилактика усуллари ишлаб чиқиш» (2016-2022 йй.) амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аномал қон кетиши бўлган перименопауза давридаги аёлларни олиб боришни оптималлаштиришдан иборат

Тадқиқотнинг вазифалари:

перименопауза давридаги аёлларда бачадондан аномал қон кетиши хавфининг клиник омилларини аниқлаш;

перименопауза даврида БАҚК бўлган аёллар орасида TP53 ва MMP9 генлари полиморфизмининг аллел ва генотипик вариантлари учрашини аниқлаш;

касаллик кечишини прогнозлаш учун текширилаётган генлар полиморфизмининг учрашини аниқлаш;

клиник-морфо-генетик текширувлар натижаларини ҳисобга олган ҳолда перименопауза даврида бачадондан аномал қон кетиши бўлган аёлларни олиб бориш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2019–2020 йилларда Самарқанд давлат тиббиёт институти 1-клиникаси гинекология бўлими назоратида бўлган 125 нафар бачадондан аномал қон кетишлари бўлган аёллар ва 40 нафар бачадондан аномал қон кетишлари бўлмаган аёллар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида вена қони ва қон зардоби молекуляр-генетик тадқиқотлар учун, олиб ташланган тўқима парчалари гистологик тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, функционал, ультратовуш, гистероскопия, гистологик, молекуляр-генетик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор аёлларда бачадондан аномал қон кетиши ривожланиш хавфи ва рецидивда MMP9 Gln/Arg локусининг эхтимолий аллел ва генотипик вариантлари орасида энг юқори ишончлилиқка Arg аллели ва Gln/Arg генотипи, касаллик ташувчанлиқда эса Arg/Arg генотипик вариантга боғлиқлиги исботланган;

илк бор перименопауза давридаги аёлларда бачадондан аномал қон кетиши ва клиник асоратларининг ривожланиш хавфи, TP53 гени Arg72Pro полиморф локусининг мутацион вариантлари билан ассоциатив боғлиқ эмаслиги аниқланган;

илк бор MMP9 гени Gln279Arg ва TP53 гени Arg72Pro локусларининг мутацион вариантлари ва перименопауза даврида бачадондан аномал қон кетиши бўлган аёлларда эндометрий қаватининг гистологик тузилишининг патологик ўзгариши ўртасида мутаносиб равишда боғлиқлик борлиги аниқланган;

клиник-морфологик ва молекуляр-генетик текширув натижалари асосида перименопауза даврида бачадондан аномал қон кетишининг олдини олишга ва беморларни олиб боришни оптималлаштиришга қаратилган дастурлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

перименопауза даврида бачадондан қон кетишининг ривожланишида, семириш, қалқонсимон без касалликлари, юрак-қон томир тизими касалликлари, менархенинг эрта бошланиши, жинсий аъзолар яллиғланиш касалликлари, бачадон миомаси, тухумдон кисталари муҳим хавф омилли эканлиги асосланган;

перименопауза даврида аёлларда бачадондан аномал қон кетиши ривожланишини прогнозлаш учун хавф генларининг аллел ва генотипик вариантлари аниқланган;

перименопауза даврида аёлларда бачадондан аномал қон кетиши ривожланишини прогнозлаш ва олиб боришни оптималлаштирилган алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тажриба хайвонлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти аномал қон кетиши бўлган перименопауза давридаги аёлларни олиб боришни оптималлаштириш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратган, касаллик аёлларда бачадони эндометрий қаватининг гистологик тузилиши ва эндометрий қалинлиги ўлчамлари кўрсаткичлари, MMP9 Gln/Arg локусининг Gln/Arg генотипи хавфи ва рецидивда, касаллик ташувчанликда эса Arg/Arg генотипик вариантига боғлиқлиги, аёлларда эндометрий қаватининг гистологик тузилишининг ўзгариши билан MMP9 ва TP53-72 генлари полиморфизми ва улар орасидаги ўзаро боғлиқлик ушбу патология патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижалари амалий аҳамияти перименопауза даврида бачадондан қон кетишининг ривожланишида, семириш, қалқонсимон без касалликлари, юрак-қон томир тизими касалликлари, менархенинг эрта бошланиши, жинсий аъзолар яллиғланиш касалликлари, бачадон миомаси, тухумдон кисталари муҳим хавф омили эканлигини асосланганлиги, касаллик ривожланишини прогнозлаш учун хавф генларининг аллел ва генотипик вариантлари аниқланганлиги, прогнозлаш ва олиб бориш алгоритми ишлаб чиқилганлиги акушерлик асоратлар сонини камайтириш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аномал қон кетиши бўлган перименопауза давридаги аёлларни олиб боришни оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бачадондан аномал қон кетиши бўлган перименопауза давридаги аёлларни олиб бориш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Бачадондан аномал қон кетиши бўлган перименопауза давридаги аёлларни олиб боришни оптималлаштириш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 5 февралдаги 8н-д/51-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши перименопауза даврида бачадондан қон кетиши билан асоратланишни эрта

ташхислаш, клиник кечишини аниқлаш ўз вақтида даволаш чоратадбирларини қўллашга хизмат қилган;

перименопауза даврида бачадондан аномал қон кетиши ривожланишининг клиник, гистологик, генетик омилларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Самарқанд шаҳар 1- ва 3-сон туғруқ комплекслари амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 22 мартдаги 8н-з/55-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг клиник амалиётга жорий этилиши перименопауза даврида бачадондан қон кетишини олдини олиш, ташхислаш ва даволаш сифатини ошириш, касалликнинг асоратлари ва малигнизация даражасини қисқартириш ҳисобига аёллар ўлими кўрсаткичларини пасайтириш ҳамда беморлар ҳаёт сифатини оширишга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 1 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Бачадондан аномал қон кетиши бўлган перименопауза давридаги аёлларда ташхислаш ва даволашнинг асосий муаммолари»** деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий адабиётлар манбалари мисолида адабиётлар маълумотларининг шарҳи тақдим этилган, адабиётлар маълумотларига асосланиб бачадондан аномал қон кетиши ривожланишида генетик детерминантларнинг касаллик патогенезида, ташхисидаги аҳамияти ва бачадондан аномал қон кетиши билан оғриган аёлларни гормонал даволашга бағишланган замонавий қарашларнинг таҳлили ўтказилди, шу билан бирга ушбу муаммонинг ҳал қилинмаган ёки аниқлик киритилишини талаб қиладиган жиҳатлари аниқланди. Биринчи боб таҳлил қилинган материални умумлаштирувчи хулосалар билан яқунланади.

Диссертациянинг **«Аёлларнинг клиник тавсифи ва қўлланилган**

тадқиқот усуллари » деб номланган иккинчи бобида илмий ишда қўлланилган асосий текширув материаллари ва усуллари баён этилган.

Тадқиқот 2019 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда СамТИ 1-клиникасининг гинекология бўлимига ётқизилган перименопауза даврида БАҚК билан оғриган 125 нафар аёл ва бачадондан аномал қон кетиши бўлмаган 40 нафар шу ёшдаги аёлларнинг клиник ва лаборатор текширувига асосланган. Текширилганларнинг ҳаммаси 3 гуруҳга бўлинган: I гуруҳ БАҚК билан оғриган 90 нафар аёл, II гуруҳ БАҚК рецидиви бўлган 35 нафар аёл ва 40 нафар бачадондан аномал қон кетиш бўлмаган назорат гуруҳига киритилган аёллар.

Текширувдан ўтган ҳамма аёлларнинг ёши 43 ёшдан 51 ёшгача бўлиб, ўртача $46,9 \pm 1,6$ ёшни ташкил этди.

Текширилаётган аёлларда бачадондан аномал қон кетишининг ривожланишида соматик касалликларнинг частотаси муҳим роль ўйнаганлиги аниқланди. Юрак-қон томир тизими касалликларининг кўп учраш суръати ҳам диққатга сазовордир, эндокрин тизим касалликлари орасида семизлик ва қалқонсимон без касалликлари, сийдик чиқариш тизими касалликлари, темир танқислиги анемияси аҳамиятга эга эканлиги аниқланди. Анамнездан менархенинг бошланиши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, БАҚК билан оғриган аёлларда менархе кўпинча эрта бошланган, бундан ташқари анамнезда гинекологик касалликлар ва ўтказилган операциялар муҳим аҳамиятга эга бўлган. Аёлларнинг барчасида ТВИ (тана вазни индекси) аниқланган.

Кузатув остида бўлган барча аёллар соматик, акушерлик ва гинекологик анамнезни синчковлик билан ўрганиш орқали чуқур клиник текширишдан ўтказилдилар, шунингдек аёлларнинг ёши, менархе, репродуктив тизимнинг ҳолатини, ҳомиладорлик ва туғруқларнинг қандай кечганлиги ҳам эътиборга олинди. Умумий текширув, ташқи ва ички гинекологик текширув, қон, сийдик клиник таҳлиллари ўтказилди, қон гуруҳи ва резуси аниқланди. Анамнезга оид маълумотларнинг касаллик кечишининг ўзига хос хусусиятларининг клиник-статистик таҳлили махсус ишлаб чиқилган бирламчи карталар асосида амалга оширилди. Картага умумий клиник махсус текширишлар ва генетик тадқиқотлар натижалари киритилди.

Кичик чаноқ аъзолари УТТ бемор аёлларни мурожат қилиб келганида ва даволаш жараёнида амалга оширилган. УТТ контакт сканерлаш тизимларига тегишли бўлган ва вақтнинг реал масштабида ишловчи, RA 134-8-D трансабдоминал датчиги ва RIC 6-12-D трансвагинал датчиги бўлган «Voluson730-Expert» (Япония) ва 5 МГц частотали трансвагинал конвекс датчиги бўлган «Aloka SSD 500» (Япония) аппаратларида амалга оширилди. Эхографик текширувда бачадоннинг ҳажми ва жойлашуви, миометрий, эндометрий, тухумдонларнинг, патологик хосилаларини тузилиш хусусиятлари баҳоланди. Бачадон эндометрий (М-эхо) ҳажмига алоҳида эътибор қаратилди.

Гистероскопия томир ичи анестезияси остида дастлаб цервикал канали 7,5 мм гача кенгайтирилганидан сўнг, «Karl Storz» (Германия) фирмасининг каттиқ 7 мм ли гистероскопи ёрдамида ўтказилди. Масофавий мухит сифатида

натрий хлориднинг 0,9% эритмаси қўлланилди. Бачадон бўшлиғидаги босимнинг барқарорлиги «Karl Storz» фирмаси (Германия) Hysteromat ёрдамида 100 мм сим.уст. даражасига етказилиб ва сақлаб турилган. Гистероскопия давомида бачадон бўшлиғининг катталиги, шакли, ранги, қалинлиги, эндометрийнинг қалинлиги, полипларнинг мавжудлиги ва бачадон ичи бошқа патологиялари мавжудлиги аниқланди.

Гистероскопик кўрик вақтида бачадон бўшлиғи деворларини қириш амалга оширилган.

Тадқиқотнинг морфологик бўлими жарроҳлик материалининг гистологик текширувини ўз ичига олди. Олиб ташланган тўқима парчалари 10% нейтрал буферланган (фосфатли) формалин билан фиксацияланган, карусель типидagi STP-120 (Microm, Германия) гистологик аппаратида қайта ишланган. Тўқима ямалиши EC-350-1 (Microm, Германия) модулли станцияси (Мицром, Германия) ёрдамида ўтказилган. Кейин эса ҳар бир блокдан қалинлиги 4 мкм бўлган камида 10 поғонали кесмалар тайёрланган, сўнгра гематоксилин-эозин билан бўяш амалга оширилган.

Молекуляр-генетик тадқиқотлар Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказининг лабораторияси базасида олиб борилди. Ушбу усулда TP53-72 ва MMP9 генлари аллеллари ва генотипларининг полиморфизми БАҚК билан оғриган беморларда ва шартли-соғлом донор-аёлларда тарқалиш частотаси ўрганилди.

Текширилаётган аёлларнинг веноз қон зардоблари пробиркага жойлаштирилган ва -20°C ҳароратда сақланган. Олинган барча намуналарни ўрганиш бир вақтнинг ўзида амалга оширилди. Қон зардоби намуналаридан RNeasyMiniKit (QIAGEN) тўпланмаси ёрдамида ДНК ажратиб олинди, сўнгра First Strand c DNA Synthesis Kit (Fermentas, Россия) қайта транскрипция учун тўпланма таркибидаги oligo (dT) нуклеотидлар ва M-MLV-қайта транскриптазаларни қўллаш билан қайта транскрипция ёрдамида комплементар ДНК занжирини (кДНК) қуриш амалга оширилди. Танланган генларнинг экспрессиясини ўрганиш учун реал вақтдаги полимераз занжир реакцияси усули қўлланилди (Real-timePCR, RT-PCR), ушбу усул SYBR-greenI (ЗАО «Синтол», Россия) интеркалирловчи бўёқни қўллаш билан «RotorGene6000» («Corbett Research» фирмаси) амплификаторида бажарилди. Миқдорий баҳолаш нисбий миқдорий таҳлил усулини (AASt) қўллаш билан амалга оширилди. Бунинг учун ҳар бир текширилаётган ген (А) учун эгри амплификациянинг экспоненциал ўсиш босқичига етгани ҳолатида текширилаётган ген (А) ва house-keepinggene гени бета-2 микроглобулин (HS-gene) ўртасидаги цикллар (ACt) фарқи ҳисоблаб чиқилган. Чегара даражаси (Threshold) қўлда, қурилмага оид тавсиялар ва адабиётлар маълумотларига мувофиқ аниқланди. Кейин эса, ҳар бир геннинг нусхалари сонидида ифодаланган экспрессиясининг даражаси (MMP9, TP53) ҳисоблаб чиқилди. Бунинг учун реакция самарадорлиги 2 га тенг сифатида қабул қилинди. Шундагина AC кўрсаткичлари қийматларига мувофиқ 2"ACt га тенг нусхалар сони ҳисоблаб чиқилди. Кейин эса асосий ва назорат гуруҳлари орасидаги

экспрессия даражасининг қийматлари фарқи (2"ААСт) статистик ҳисоблаб чиқилди.

Тадқиқот маълумотлари Pentium-IV шахсий компьютерда Microsoft Office Excel-2013 дастурий таъминот тўплами ёрдамида статистик равишда қайта ишланди. Ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача арифметик қиймати (M), ўртача квадрат оғиши (σ), ўртача (m), нисбий (P) катталикларнинг стандарт хатоларини ҳисоблаш билан вариацион параметрик ва нопараметрик статистика усуллари қўлланилди. Ўртача қийматларни таққослашда олинган ўлчовларнинг статистик аҳамияти тақсимланишларнинг меъёрида эканлиги (экспесс мезони бўйича) ва асосий дисперсияларнинг тенгилини текшириш (F – Фишер мезони) мобайнида хато эҳтимолини (P) ҳисоблаш билан Стьюдент мезони (t) бўйича аниқланди. Сифат катталиклари учун статистик аҳамият χ^2 мезони ёрдамида (хи-квадрат) ва p-мезон ёрдамида ҳисоблаб чиқилган. $P < 0,05$ ишончлилиқ даражаси статистик жиҳатдан муҳим ўзгаришлар сифатида қабул қилинди. Перименопауза даврдаги аёлларда БАҚК касаллигини прогнозлаш мезонлари ҳисоблаш статистик усуллар ёрдамида амалга оширилди. БАҚК ривожланишига омилларнинг таъсир даражаси бир факторли дисперс таҳлил усули билан ўрганилди. Фишер мезонининг қиймати ва унинг аҳамияти аниқланди. Бизнинг тадқиқотларимизда БАҚК ривожланишининг хавф омиллари ўртасидаги боғлиқлик даражасини аниқлаш учун имкониятлар муносабатини (OR) ва ривожланишнинг нисбий хавфини (RR) аниқладик.

Омилларнинг прогнозтик аҳамиятини аниқлаш учун таъсирчанлик, сезгирлик, прогнозлаш натижасининг қиймати ва салбий натижанинг прогнозлашга оид қийматини аниқлашдан фойдаландик.

Диссертациянинг **«Бачадондан аномал қон кетиши бўлган перименопауза давридаги аёллар эндометрийсининг клиник-морфологик хусусиятлари»** деб номланган учинчи бобида асосий гуруҳлардаги 125 нафар аёлнинг клиник-морфологик текширувлари натижалари келтирилган. Аёлларнинг клиник-анамнез кўрсаткичлари ўрганилди. Иккала асосий гуруҳдаги беморларнинг шикоятлари таҳлил қилиниши билан, текширилганларнинг аксариятида клиникага ётқизилганида - 59 нафар (65,6±5,0%) I гуруҳ ва 25 нафар (71,4±7,6%) II гуруҳ беморларида турли интенсивликдаги жинсий аъзолардан қонли ажралмалар келиши қайд этилди. Касалхонага ётқизилишидан аввал қонли ажралмалар келишининг ўртача вақти I гуруҳда 22,6±3,6 кун, II гуруҳда 35,1±3,6 кунни ташкил қилган.

Шунингдек, БАҚК рецидиви бўлган - 12 нафар (34,3 ± 8,0%) аёллар, I гуруҳдаги 13 нафар (14,4±3,7%) аёлларга нисбатан икки баробар кўпроқ қорин остидаги ва бел-думғаза соҳасидаги оғриқлардан шикоят қилганлар. БАҚК бўлган аёллар, назорат гуруҳига нисбатан саккиз марта кўпроқ қориннинг пастки қисмидаги оғриқларга шикоят қилганлар ($p < 0,001$).

Объектив текширув натижаларига кўра, барча текширилган аёллар, иккиламчи жинсий белгилари аёлларга хос тўғри ривожланганлиги аниқланди. Гинекологик текширишда уретра, парауретра йўллари, қин олд катта без каналлари патологик ўзгаришларсиз.

Бимануал текширувда БАҚК бўлган аёлларнинг биронтасида ҳам бачадоннинг нормал ҳажми қайд этилмади. Ҳомиланинг 5-6 хафталик муддатига мос келадиган бачадон катталиги I гуруҳдаги 53 нафар ($58,9 \pm 5,2\%$) ва II гуруҳдаги 17 нафар ($48,6 \pm 8,4\%$) аёлларда аниқланди. Биринчи гуруҳнинг ҳар учинчи аёлида - 29 нафар ($32,2 \pm 4,9\%$) ва II гуруҳнинг деярли ярмида – 15 нафар ($42,9 \pm 8,4\%$) аёлда бачадоннинг катталиги ҳомиладорликнинг 7-8 хафталигига мос келган. Барча беморларга эндо- ва миометрий ҳолатини баҳолаш учун УТТ ўтказилди.

Жинсий абзолардан қон кетиш кузатилаётган вақтда беморлардаги М-эхо 1 дан 15 мм гача ўзгариб турган, I гуруҳда ўртача $10,96 \pm 5,6$ мм, II гуруҳда эса $11,7 \pm 4,5$ мм ни ташкил қилган.

Қон кетиши бўлган 77 беморнинг 46 нафарида ($59,7 \pm 5,6\%$) М-эхо 7 дан 15 мм гача, 14 нафарида ($18,2 \pm 4,4\%$) 1 дан 4 мм гача, 17 нафарида ($22,1 \pm 4,7\%$) эндометрий полипи ташхиси қўйилган.

Хайз кўриши кечиккан 38 нафар ($79,2 \pm 5,9\%$) аёлларда УТТ текшириш натижаларига кўра М-эхо 10 дан 20 мм гача ташкил қилиб, ўртача кўрсаткичи $16,0 \pm 3,7$ мм га тенг бўлди, 14 нафар ($29,0 \pm 5,71\%$) беморда - эндометриал атрофия -эндометрий қалинлиги 1 дан 4 мм гача эканлиги аниқланди.

Эндометрий патологиясининг ултратовуш белгиларини гуруҳлар бўйича кўриб чиқиш давомида қуйидагилар аниқланди: эндометрийнинг 1 дан 4 мм гача қалинликда бўлиши, қон кетиш рецидиви бўлган гуруҳда I гуруҳга нисбатан 5 баробар кўпроқ кузатилган, ($p < 0,05$). Гуруҳлар ўртасида эндометрий қалинлиги 7 дан 20 мм гача бўлган беморлар сонидан ишончли фарқлар кузатилмаган.

I ва II гуруҳларда эндометрий полиплари 6 нафар ($6,7 \pm 2,6\%$) ва 5 нафар ($14,3 \pm 5,9\%$) беморларда кузатилган, бу II гуруҳда I гуруҳга нисбатан ишончли даражада кўп эканлигини кўрсатади.

БАҚК билан оғриган беморлар орасида ҳар учинчи беморда – 45 нафарида ($36 \pm 4,4\%$) УТТда бачадон миомасининг турли хил кўринишларини аниқлади. Бачадон миомасининг аниқланган турлари FIGO таснифи бўйича тақсимланди (1 жадвал). Миоманинг частотаси гуруҳлар бўйича фарқ қилмади, лекин миоманинг интрамурал тури II гуруҳ беморларида ишончли равишда кўпроқ ташхисланди – 11 нафар ($12,2 \pm 5,1\%$) I гуруҳдаги 8 нафар ($22,9 \pm 7,1\%$) рецидив кузатилган гуруҳга нисбатан, $P < 0,05$.

Учраш суръати бўйича аниқланган иккинчи патология аденомиоз эди – 34 нафар ($27,2 \pm 4\%$) асосий гуруҳда ва 4 нафар ($10,0 \pm 4,7\%$) назорат гуруҳидаги аёлларда, $p < 0,001$. Тўққиз нафар беморда бачадон миомаси ва аденомиознинг биргаликда учраши кузатилди. Бундан ташқари, шуни қайд этиш керакки, перименопауза даврада БАҚК бўлган ҳар учинчи беморда миометрий патологияси аниқланмаган – 37 нафар ($29,6 \pm 4,1\%$), назорат гуруҳида эса бу каби аёллар кўпчилигини ташкил қилган – 34 нафар ($85 \pm 5,6\%$), $p < 0,001$.

Касалхонага БАҚК билан шошилиш кўрсатмалар бўйича келиб тушган аёлларга гемостаз мақсадида транексамик кислота 5% ли 5мл дан мушак орасига кунига 2 маҳал қилинди ва диагностик гистероскопия вақтида бачадон


бўшлиғини тозалаш ўтказиди. Гистероскопия ва бачадон бўшлиғининг алохидалаб қириб тозалаш асосий гуруҳнинг 111 нафар (88,8±2,8%) аёлларга ўтказилди, юпқа эндометрийга эга бўлган 14 нафар (11,2±2,8%) аёлда бачадон бўшлиғининг қириш амалиёти бажарилмади, бу амалиёт I гуруҳнинг 85 нафар (94,4±2,4%) аёлларида, II гуруҳнинг 26 нафар (74,2±7,4%) аёлларида ўтказилди.

1 жадвал

УТТ бўйича миомаси бор бўлган аёлларни тақсимлаш, M±m

Миома турлари	I гуруҳ, n=90	II гуруҳ, n=35	Асосий гуруҳ, n=125
0 тур -оёқчадаги субмукоз тугун	1 (1,1±1,1%)	-	1 (0,8±0,8%)
1тур - субмукоз -интрамурал бачадон миомаси (<50%)	2 (2,2±1,6%)	1 (2,9±2,8%)	3 (2,4±1,4%)
2тур - субмукоз-интрамурал бачадон миомаси (>50%)	-	1 (2,9±2,8%)	1 (0,8±0,8%)
3тур - субмукоз-интрамурал бачадон миомаси (100%)	-	-	
4тур -интрамурал бачадон миомаси	11 (12,2±5,1%)	8 (22,9±7,1%)*	19 (3,6±0,8%)
5тур -субсероз- интрамурал бачадон миомаси миомаси (>50%)	9 (10±3,2%)	2 (5,7±3,9%)	11 (8,8±2,5%)
6тур -субсероз- интрамурал бачадон миомаси (<50%)	6 (6,7±2,6%)		6 (4,8±1,9%)
7тур -субсероз оёқчадаги бачадон миомаси	4 (4,4±2,2%)	-	4 (3,2±1,6%)
Жами	33 (36,7±5,1%)	12 (34,3±8,0%)	45 (36±4,4%)

Изох: *p <0,05 I ва II гуруҳларда таққослаганда



1-расм. Миометрий патологияси эхографик белгиларининг учраш суръати



2-расм. Бачадондан аномал қон кетиши бўлган аёлларда эндометрий гистологияси натижалари

Эндометрий гипертрофияси бўлган 111 нафар ($88,8 \pm 2,8\%$) аёлларнинг ҳаммасига қириндиларнинг морфологик текширувини ўтказдик (2-расм). УТТ эндометрий қалинлиги 1 дан 4 мм гача эканлиги таъхиси қўйилган 14 нафар ($11,2 \pm 2,8\%$) аёллар бундан мустасно бўлди. Гистологик текширувига кўра I гуруҳнинг 32 нафар ($37,6 \pm 5,2\%$) аёлларда эндометрийнинг безли гиперплазияси таъхиси қўйилган, 3 нафарига ($3,5 \pm 2,0\%$) эндометрийнинг безли гиперплазияси субмукоз миоматоз тугун билан уюшиб келиши, 9

нафарида ($10,6\pm 3,3\%$) - эндометрийнинг без-кистали гиперплазияси, эндометрий полиплари – 41 нафарида ($48,2\pm 5,4\%$) аниқланган. II гуруҳдан олинган қиринди гистологик текшируви маълумотларига кўра 5 нафарида ($19,2\pm 7,7\%$) эндометрийнинг безли гиперплазияси, 2 нафарида ($7,6\pm 5,2\%$) без-кистали гипертрофияси, 10 нафарида ($38,4\pm 9,5\%$) полиплар ташхиси қўйилган, 2 нафар ($7,6\pm 5,2\%$) аёлда эндометрийнинг безли гиперплазияси субмукоз миоматоз тугун билан бирга учраган, 6 нафар ($23,0\pm 8,2\%$) аёлда эндометрий атипик гиперплазияси (ЭАГ) ва 1 ($3,8\pm 3,7\%$) аёлда эндометрий саратони аниқланди.

Диссертациянинг «**Бачадондан аномал қон кетиши бўлган перименопауза давридаги аёлларни касаллик ривожланишидаги молекуляр-генетик хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобида муҳим молекуляр-генетик предикторларни излаш асосида патологиянинг ривожланиш хавфини аниқлашга бағишланган, ҳамда БАҚК, уларнинг рецидивлари ва неоплазиялар ривожланишига маълум бир мойилликга эга бўлганлигини ҳисобга олган ҳолда биз ушбу тадқиқотда TP53-72 (Arg72Pro) гени rs1042522 ва MMP9 (Gln279Arg) гени rs17576 полиморфизмларини ахамиятини ўрганиб чиқдик. Шу муносабат билан, диссертациянинг ушбу бобида БАҚК билан касалланган беморлар ва шартли-соғлом аёл-донорларда TP53-72 (Arg72Pro) гени rs1042522 ва MMP9 (Gln279Arg) гени rs17576 полиморфизмларининг аллеллари ва генотиплари тарқалиш частотасини ўрганиш натижалари келтирилган.

TP53-72 (Arg72Pro) гени rs1042522 ва MMP9 (Gln279Arg) гени rs17576 полиморфизмларини тақсимланиш частотаси 95 нафар шартли соғлом аёл донорлардан иборат танланма гуруҳида (назорат гуруҳи) ва БАҚК билан оғриган 90 нафар аёлларда (I гуруҳ – 55 нафар БАҚК билан оғриган ва II гуруҳ – 35 нафар БАҚК рецидиви бўлган аёллар) текширилди.

Олинган натижалар TP53-72 (Arg72Pro) гени rs1042522 полиморфизмининг Arg ва Pro аллеллари, ҳамда Arg/Arg, Arg/Pro ва Pro/Pro генотипларининг БАҚК ривожланиши билан ўзаро ишончли ахамиятга эга бўлган боғлиқликнинг йўқлигини тасдиқлади. Ушбу далилларни TP53-72 (Arg72Pro) генининг rs1042522 полиморфизми БАҚК ривожланишидаги драйвер мутация эмаслиги билан изохлаш мумкин.

MMP9 (Gln279Arg) генининг rs17576 полиморфизми аллеллари ва генотиплари ташувчанлик улушини қиёсий баҳолаш асосий гуруҳда Gln и Arg аллелларининг улуши, назорат гуруҳидаги бу каби кўрсаткичлардан деярли икки барабар, ишончли даражада юқори эканлигини аниқлашга имкон берди ($\chi^2=7,63$; $p=0,01$; OR=1,8; 95%CI: 1,19-2,77).

Gln/Gln ($\chi^2=5,2$, $p=0,9$; OR=0,5; 95%CI:0,27-0,91) гомозиготли генотип ва Gln/Arg ($\chi^2=0,4$, $p=0,52$; OR=1,2; 95%CI:0,68-2,15) гетерозигот генотипи тақсимланишида биров бошқача кўриниш кузатилди. Бироқ, БАҚК билан оғриган аёлларда мутант гомозигот генотипи Arg/Arg учраш суръати унинг назорат гуруҳидаги улуши билан таққослаганда БАҚК бўлган аёлларда сезиларли даражада юқори эди ($\chi^2=4,87$; $p=0,03$; OR=2,6; 95%CI:1,09-6,0).

MMP9 (Gln279Arg) гени rs17576 полиморфизми аллеллари ва генотиплари частоталари тарқалиши натижаларига кўра, БАҚК билан оғриган беморларнинг асосий гуруҳида Arg аллели частотасининг деярли икки баробар кўплиги ва гомозиготли Arg/Arg генотипининг БАҚК рецидивлари бўлган гуруҳда 2,6 баробар кўплиги аниқланди.

